



**«АГРАР СОҲАНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА
ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ»**

мавзусидаги профессор-ўқитувчи ва ёш олимларнинг

I-илмий-амалий конференцияси материаллари

ТЎПЛАМИ

30-31 май 2017 йил

Тошкент

МУНДАРИЖА

| Мақола номи ва муаллифлар | Бети |
|---|------|
| СЎЗ БОШИ <i>Б. Сулаймонов</i> | 3 |
| АГРАР СОҲА УЧУН ЁШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ДОЛЗАРБ ВАЗИФА <i>Б. Сулаймонов, Р.Тиллаев</i> | 4 |
| ЎЗБЕКИСТОНДА МОЙЛИ ЭКИНЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР <i>О.Р.Файзиёв</i> | 5 |
| 1-ШЎБА | |
| ЎСИМЛИКШУНОСЛИК, ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА АГРОКИМЁ СОҲАСИДАГИ ЗАМОНАВИЙ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР | |
| БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАШҚИ МУҲИТ ОМИЛЛАРИНИ БОҒЛИКЛИГИ <i>О.А.Амонов, Д.Жўраев, О.А.Сотторов</i> | 9 |
| ЛАЛМИКОР МАЙДОНЛАРДА ҚАТТИҚ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ АҲАМИЯТИ <i>О.А.Амонов, О.А.Сотторов, М.С.Норбоева</i> | 10 |
| ТАКРОРИЙ ЭКИЛГАН МОШ НАВЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ МУДДАТИ ВА МЕЪЁРИНИНГ ТАЪСИРИ <i>И.А.Исраилов, А.А.Каримов, А.А.Қурбонов</i> | 12 |
| СЕЛЕКЦИЯДА БУҒДОЙ БОШОҚДАГИ ДОНЛАР СОНИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ <i>О.А.Амонов, Д.Жўраев, О.А.Сотторов</i> | 13 |
| ЯНГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИ СУҒОРИШ САМАРАДОРЛИГИ <i>О.А.Амонов, О.А.Сотторов, М.С.Норбоева</i> | 15 |
| ПРОГРАММИРОВАНИЕ УРОЖАЯ ЗЕРНА ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ <i>Азизов Б.М.Жураева Г.М.</i> | 16 |
| ҒЎЗА ДАЛАЛАРИДАГИ БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ ГЕРБИЦИДЛАРНИ НАВБАТЛАБ ҚЎЛЛАШНИНГ САМАРАСИ <i>У.Ю.Чаршанбиев</i> | 19 |
| ГЕРБИЦИДЛАРНИНГ БУҒДОЙ УРУҒЛАРИНИ ДАЛА УНУВЧАНЛИГИ, ЕР УСТКИ ҚИСМИ ВА ИЛДИЗ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИГА ТАЪСИРИ <i>С.Саидов, Н.Турдиева, Т.Наджимов</i> | 22 |
| ОХАНГАРОН ТУМАНИ ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАРИНИНГ МИКРОФЛОРАСИ ВА УНГА ЭРОЗИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ <i>З.С.Ғуломова, М.З.Ғуломова</i> | 24 |
| ПАЙКАЛ ҚИЯЛИГИ ҲАР ХИЛ БЎЛГАНДА ИРРИГАЦИЯ ЭРОЗИЯСИНИ ТУПРОҚНИНГ МЕХАНИК ТАРКИБИ ВА ДОНАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ <i>И.Рўзиев, Н.Эргашева</i> | 27 |
| КОЛЛЕЖ ЎҚУВЧИЛАРИГА ЕРДАН ФЙДАЛАНИШГА АТРОФ МУҲИТГА ОИД ВА ТУШУНЧАЛАР АҲАМИЯТИНИ ТУШУНТИРИШ <i>М.З.Ғуломова</i> | 29 |
| ҒЎЗА НИҲОЛЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ПАРВАРИШЛАШ МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ <i>Ш.Абдуалимов, Ш.Каримов, Ч.Улугов</i> | 31 |
| ПАХТА ДАЛАЛАРИДАГИ БИР ЙИЛЛИК ВА КЎП ЙИЛЛИК БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ ХИМГЛИФОС ВА ХИМСТОП 330 ГЕРБИЦИДЛАРИНИ КЕТМА-КЕТ ҚЎЛЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ <i>Ш.И. Мустафаев, М.Шодманов</i> | 33 |
| БИОЛОГИЧЕСКАЯ АКТИВНОСТЬ И ГУМУСНОЕ СОСТОЯНИЕ ОСНОВНЫХ ТИПОВ ПОЧВ ВЕРТИКАЛЬНЫХ ПОЯСОВ <i>Н.Раупова, М.Сейтимбетов</i> | 37 |
| ЕРЛАРНИ САҲРОЛАНИШИ - ЭКОЛОГИК МУАММО <i>О.Э.Хакбердиев, Н.П.Кучкарова</i> | 39 |
| МОЙЛИ КУНГАБОҚАР НАВЛАРИНИНГ УРУҒ ҲОСИЛИГА ЭКИШ МУДДАТИ ВА СХЕМАСИНИНГ ТАЪСИРИ <i>С.С.Тогаева</i> | 41 |

| | |
|--|-----|
| ОЧИҚ МАЙДОНЛАРДА САБЗАВОТЛАРНИ НООДАТИЙ УСУЛДА ЕТИШТИРИШ <i>С.А.Юнусов</i> | 80 |
| ШАХСИЙ ТОМОРҚАЛАРДА ЛИМОН ЕТИШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ <i>Ж.Ғ.Абдушукuroв, Н.З.Фахрутдинов</i> | 82 |
| ОЛМА НАВЛАРИ КЎЧАТИНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ВЕГЕТАТИВ ПАЙВАНДТАГЛАРНИ ТАЪСИРИ <i>И.Т.Нормуратов, И.Ч.Намозов, У.Мирзаев</i> | 84 |
| ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ЕТИШТИРИЛАДИГАН ШИРИН ҚАЛАМПИРНИ ЎСИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ СХЕМАСИ ВА КЎЧАТ ЁШИНИНГ ТАЪСИРИ <i>О.Қодирходжаев, Ф.Расулов, Д.М.Якубова</i> | 86 |
| НАУЧНЫЙ ПОДХОД ОБРАБОТКИ ФРУКТОВ И ОВОЩЕЙ ПОЛИМЕРНЫМИ ПОКРЫТИЯМИ НА ОСНОВЕ ХИТОЗАНА ДЛЯ УВЕЛИЧЕНИЯ СРОКА ИХ ХРАНЕНИЯ <i>Ф.Т.Абдуллаев, Т.В.Дубовик, И.Х.Холмирзаев</i> | 88 |
| ТЕХНОЛОГИЯ ВЫРАЩИВАНИЯ САЖЕНЦЕВ ВИНОГАРДА МЕТОДОМ INVITRO <i>К.С.Султанов, Н.Ш.Енилеев, З.Нуриддинов</i> | 89 |
| ОСОБЕННОСТИ ПОЛУЧЕНИЯ ВЫСОКОКАЧЕСТВЕННЫХ САЖЕНЦЕВ ВИНОГРАДА МЕТОДОМ IN VITRO <i>К.С.Султанов, Н.Ш.Енилеев, З.Нуриддинов</i> | 92 |
| УРУҒЛИК ТУГАНАКЛАРИНИ УНДИРИШ УСУЛЛАРИНИ ЭРТАГИ КАРТОШКА ЎСИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ <i>Ж.Тураев, О.Қодирходжаев, Д.Якубова</i> | 94 |
| ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ХУДУДЛАРИДА МАЙИЗБОП УЗУМ НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ <i>М.И.Одинаев, Ш.Э.Умидов</i> | 97 |
| ТОКЗОРЛАРДАН СИФАТЛИЙ УЗУМ ОЛИШДА МУҲУМ ТАДБИРЛАР <i>М.М.Мирзаев, М.И.Одинаев</i> | 99 |
| “СОВУҚ ЗАНЖИР” ТИЗИМИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ <i>Ш.Э.Умидов, Ш.Юлдошева, Б.Абдуллаев</i> | 100 |
| ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШДА “СОВУҚ ЗАНЖИР” ТИЗИМИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ <i>Ш.Э.Умидов, Т.Норматов</i> | 102 |
| ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАР АСОСИДА ЕТИШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ <i>Ш.Э.Умидов, Э.Х.Бердимуродов, А.Ч.Маматраимов</i> | 104 |
| ОШ ЛАВЛАГИНИНГ ФЙДАЛИ ҲУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИ ҚУРИТИШ <i>М.Б.Мирсултонов</i> | 107 |
| ГИЛОС ПАЙВАНДТАГЛАРИНИ ЯШИЛ ҚАЛАМЧАДАН ЖАДАЛ КЎПАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ <i>З.А.Абдикаюмов, З.А.Дехқонова, С.Юсупов</i> | 108 |
| ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ ШАРОББОП УЗУМ ДУРАГАЙЛАРИНИНГ БИОКИМЁВИЙ ТАҲЛИЛИ <i>Н.Ч.Наркабулова</i> | 110 |
| ВИРУССИЗ УРУҒЛИК КАРТОШКА ЕТИШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ <i>С.Ашурова, Ф.Расулов, Д.Турсунов</i> | 114 |
| ПРОИЗВОДСТВО ВЫСОКОКАЛОРИЙНЫХ ПИЩЕВЫХ ПРОДУКТОВ ИЗ УЗБЕКСКИХ СОРТОВ ДЫНЬ <i>О.О.Рахматов, Ф.О.Рахматов, Ж.Н.Рашианов</i> | 116 |
| ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОЙ ЛИНИИ ПО ПРОИЗВОДСТВУ ВЯЛЕННОЙ ДЫНИ <i>О.О.Рахматов, Ф.О.Рахматов, С.Х.Исликов</i> | 118 |
| ЎЗБЕКИСТОНДА МЕВА-САБЗАВОТНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛИ <i>З.С.Искандаров, З.З.Джамалов, Г.М.Абдиева</i> | 121 |

- Далада терилган узумни қадоклаш учун совутиш омборхонасига етказиш жараёни.
- Саралаш жараёни.
- Қадоклаш жараёни.
- Дастлабки совутиш.
- Совуқ сақлаш жараёни.
- Маҳсулотни совуқ ҳолатда манзилган жўнатиш.

Бунда узум таркибидаги биокимёвий жараёнлар максимал даражада секинлаштирилади. Паст ҳароратда транспортировка қилинади ва сифатли ҳолатда харидорга етказилади. Бир сўз билан айтган логистиканинг “Совуқ занжири” ташкил этилади.

Бунда маҳсулот совутиш омборхонасида ўрнатилган ҳарорат манзилган етиб боргунга қадар сақлаб турилади. “Совуқ занжир” атамасининг асл моҳияти ҳам шундан иборатдир.

Хулоса, тақлиф ва тавсиялар. Мамлакатимизда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларидан самарали фойдаланиш, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт даражасини янада ошириш учун халқаро талабларга мос ҳолда фаолиятни ташкиллаштириш ҳозирги давр талабидир.

Шу нуқтаи назардан қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва уларни экспорт қилиш билан фаолият юритувчилар замонавий сақлаш усуллари ҳақида тушунчага эга бўлишлари керак;

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга тайёрлаш жараёнида ҳар битта тадбирни тўғри амалга оширилишини назоратга олишлари шарт;

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда етиштирилаётган мева-сабзавотларнинг исроф бўлишини олдини олиш хорижга самарали экспорт салоҳияти жуда юқори эканлигига яна бир марта амин бўлиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг “Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи, Тошкент 2014 йил 6 июнь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш. М. Мирзиёевнинг сайлов олди дастури. Тошкент 2016.

3. Мўминжон Исамиддинов. Маҳсулотларни совуқхоналарда сақлаш. Қўлланма. Тошкент 2013.

4. Виктория Салин. Совутиш логистикаси глобал иттифоқи (The Global Gold Chain Alliance-GCCA). Техас A&M, 2016-йил ҳисобат.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАР АСОСИДА ЕТИШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ш.Э.Умидов, Э.ХБердимуродов, А.Ч. Маматраимов
Тошкент давлат аграр университети

Ушбу мақолада озиқ – овқат маҳсулотларини халқаро бозор талабларига жавоб берадиган қилиб тайёрлаш йўллари ҳақида сўз юритилади. Мавзу доирасида жаҳондаги энг нуфузли стандартлар ҳақида маълумотлар берилган бўлиб, уларни мамлакатимизда жорий этиш имкониятлари таҳлил қилинган. Шу билан бирга мазкур стандартларнинг моҳияти яхши очиб берилган.

Калит сўзлар: *Озиқ овқат хавфсизлиги, халқаро стандарт, БМТ, ФАО, НАССР, Global GAP, сертификат.*

Қирриш. Озиқ овқат хавфсизлиги ҳозирги кунда дунё бўйича глобал муаммолардан бирига айланиб бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Бунга сабаблардан бири қилиб ер юзида аҳоли сони кўпайиб кетганлиги сабабли озиқ овқат захираларини бойитишга қаратилган ҳаракатларнинг салбий оқибатларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Тайёрланган озиқ овқат маҳсулотларини барчасининг ҳам таркиби инсон саломатлиги учун хавфсиз бўлмай қолди. Шу сабабли озиқ-овқат хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бўйича бир қатор халқаро ташкилотлар бош қотирмоқда. БМТ қошида ташкил этилган ФАО бунга ёрқин мисол бўла олади.

Услублар ва материаллар. Бутун ишлаб чиқариш жараёнида потенциал таҳдидларнинг олдини олишга асосланган озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежментининг ана шу тизимини Hazard Analysis and Critical Control Points (НАССР) деб номладилар. Ўзбекчага таржима қилинадиган бўлса, у «хатарлар ва танг назорат нуқталари таҳлили» деган маънони англатади.

Тизимли ёндашувга асосланган ва бутун озиқ-овқат силсиласида озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини узлуксиз таъминлашни кафолатлайдиган НАССР тизими ўз самарасини кўрсатди ва орадан шунча йиллар ўтиб, дунёдаги кўпгина мамлакатларда кенг оммалашди.

Озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигининг анъанавий принципларида асосий мақсад пировард маҳсулотга тўғри келади. Бошқача қилиб айтганда, маҳсулот тайёр бўлганидан кейингина танлов асосида текширилади.

НАССР тизимида ҳам ашё тайёр маҳсулот ҳолатига келгунга қадар барча босқичлар назорат қилиниб борилади. Бунда корхонадан ҳам ашёни фақат ишончли бўлган маҳсулот етказиб берувчилардан олиш такозо қилинади. Чунки сифатли ҳам ашё тайёр маҳсулотнинг сифатли бўлишини кафолатловчи омиллардан биридир.

Шу билан биргаликда маҳсулот истеъмолчилари ҳам кузатиб борилади. Бу жараён мობодо маҳсулотда истеъмолчилар хавфсизлига таҳдид аниқланганда уни қайтариб олиш зарурати учун амалга оширилади.

НАССР тизимининг қиймати муайян тармоқнинг ўзига, корхона, бино, фойдаланилаётган усқуна, технологик жараёнларнинг ҳолатига, фойдаланилаётган озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлиги юзасидан корхонада қандай стандартлардан фойдаланилаётганлигига боғлиқдир. Агар санаб ўтилганларнинг ҳаммаси яхши ҳолатда бўлса, НАССР тизимини жорий этиш анча арзонга тушади.

Бундан ташқари, мазкур тизим самарали амал қилиши учун, уни мунтазам равишда бир маромда сақлаб туриш учун корхона томонидан ходимлар малакасини доимий равишда ошириб боришни йўлга қўйиши зарурдир. Чунки ходимларнинг билим ва қўникмалари такомиллаштирилмас экан, ҳатто энг замонавий усқуналар ҳам озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлмайди.

Ўзбекистон агробизнес соҳасида катта салоҳиятга эга ва бу салоҳият муттасил ортиб бормокда. Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларини ички бозорда талаб этиладиганидан бир неча марта кўпроқ етиштирмоқда. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон корхоналари учун озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлиги менежментини таҳлил қилиб, унинг қандай тизимларини жорий этиш халқаро бозорга чиқишга ёрдам беришни тушуниб олиш жуда муҳимдир. Бунинг янги сабзавот ва мевалар учун Global GAP халқаро стандартлари ва уларни қайта ишлаб НАССР ISO 22000, FSSC 22000 тизими стандартлари талаблари бўйича маҳсулотлар тайёрлаш кифоя.

Бундан ташқари, фермерда ёки корхонада ана шундай тизимларнинг мавжудлиги чет эллик ҳамкорларда ишончини оширади, корхонанинг истеъмолчилар ва инвесторлар олдидаги юқори савияда масъулликдан далолат беради.

НАССР концепцияси ўзига озиқ-овқат хом ашёларини тайёрлашдан то якуний истеъмол маҳсулотигача барча озиқ-овқат занжири орқали ўтишида озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш учун назоратни ўтказиш, хавфли омилларни аниқлашга, уларни баҳолашга тизимли ёндошувни намўён этади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортида уларнинг сифати халқаро талабларга жавоб бериши энг асосий омилдир. Шу сабабли ҳар бир экспорт қилувчи корхона халқаро стандартлаштириш бўйича тушунчага эга бўлиши лозим. Ҳозирги кунда бутун дунё тан олаётган халқаро стандартлардан бири бу – GLOBALGAP ҳисобланади.

GLOBALGAP – бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун биринчи даражали стандарт бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларини экиш вақтидан то маҳсулотларни йиғиб олишгача бўлган, агар чорвачиликда бўлса ишлаб чиқаришга киришиш вақтидан оралик маҳсулот ҳолатига келгунча (боқиш ва сўйиш) бўлган даврда барча ишлаб чиқариш жараёнларини қамраб олган меъёрий ҳужжатдир.

Ушбу ҳужжатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи корхоналарининг амалиётига тегишли умумий тамойиллар баён қилинган бўлиб, бутун жаҳонда етакчи савдо компаниялари учун мувофиқ бўлган, глобал миқёсдаги ўсимликшунослик, чорвачилик ва балиқчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг оптимал усулларини жорий этишнинг асосий элементлари белгиланган.

GAP бу етиштирилаётган маҳсулот хавфсизлигини ошириш ва сифатини яхшилашга ёрдам берувчи тавсиялар жамламасидан иборатдир. Бу стандартда ихтиёрий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш тизимларига қўллаш ва мослаштириш мумкин бўлган раҳбарий кўрсатмалар берилган. GAP қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнининг дастлабки тўртта компоненти яъни, тупроқ, сув, ходим, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш муҳитига эътибор қаратади. Бу стандарт ISO 9001 стандарти билан тўғридан-тўғри алоқада эмас, ammo, муқобил тамойилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хавфсизлиги ва сифат тизимини яратишга ёрдам беради.

Яхши қишлоқ хўжалиги амалиёти турли хил манбаларда чоп этилган бўлиб, Бирлашган миллатлар ташкилоти қошидаги Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат бўйича ташкилот (Food and Agriculture Organization of the United Nations) чоп этган GAP, АҚШ Қишлоқ хўжалиги департаменти (United States Department of Agriculture) чоп этган GAP, GLOBALGAP (европа компаниялари гуруҳи - ритейлерлар) чоп этган GAP мавжуддир. Бу манбаларнинг ҳар бирида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фойдаланиши лозим бўлган тамойиллар таркиби бўйича бир-биридан фарқли жиҳатлари бор.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарда ўз бизнесида озиқ-овқат хавфсизлигига билан боғлиқ таҳдидларни минимум даражага тушириш учун, савдо тармоқларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича янги стандарт ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Шу тариқа юзага келган стандарт EurepGAP: (Euro-RetailerProduceWorkingGroup) – озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси масалалари бўйича европа ишчи гуруҳи ва GAP (Good Agricultural Practice) -Қишлоқ хўжалигини яхшилаш амалиёти номини олди.

Ушбу стандартнинг асосий мақсади қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш жараёнининг барча жаҳаларини кузатиш орқали уларни етиштириш даврида сифатига салбий таъсир этувчи омиллар ва хавф-хатарлар даражасини минималлаштиришдан иборатдир.

Тадқиқот натижалари. НАССР тизимининг асосий тамойиллар қуйидагилар:

- **Хавф-хатарлар (хавфли омиллар) таҳлил**ни ўтказиш. **Жараён таркибидаги операциялар рўйхатини тайёрлаш**, қўлланиладиган назорат усулларини баён этиш, аҳамиятга эга бўлган хавф-хатарларни юзага келиши мумкин бўлган босқичларини аниқлаш лозим. Хом-ашёни олишдан бошлаб то якуний маҳсулотгача бўлган барча босқич жараёнларини тўлиқ акс эттирувчи ишлаб чиқариш жараёнларининг

блок-схемаси тузилади. Схема тузилганидан сўнг, ҳар бир босқичда юзага келиши мумкин бўлган барча мавжуд хавфли омиллар идентификацияланади яъни бунда аҳамиятга эга хавфларни аниқлаш учун хавф-хатарлар даражаси аниқланади ва уларни назорат қилиш учун зарурий чора-тадбирлар баён этилади. Бу хавф-хатарларни таҳлил қилиш НАССР тизимида асосий босқичи бўлиб ҳисобланади.

- **Критик назорат нуқталарини (КНН) ўрнатил.**Хавфли омиллар таъсири эҳтимоллигини минимумга келтириш ёки қайтарилмаслиги учун назорат қилиниши зарур бўлган жараён босқичлари ва операциянинг критик нуқтаси аниқланади.

- **Параметрларнинг юқори қийматлари (критик чегаралари)ни ўрнатил.** Ҳар бир аниқланган КНН бўйича назорат чора-тадбирлари қўлланилади.

КНН назорат қилиш учун мониторинг тизимини ишлаб чиқиш. КНН назорат қилиш процедурасини, кузатиш ва ўлчашларнинг даврийлик тизимини, яъни ўрнатилган чегаралар доирасида КНН ҳолатини тасдиқлаш мақсадида аниқлаш лозим. Режалаштирилган синовлар ёки ўлчашлар ёрдамида критик назорат нуқталарини назорат қилиш имконини берувчи мониторинг тизими яратилади.

GlobalGAP стандартини жорий қилиш қуйидаги босқичларидан иборат:

- Махсулот етиштирувчи хўжаликнинг ҳолати таҳлили. GlobalGAP талабларига мувофиқликка дастлабки аудит ўтказиш.

- GlobalGAP стандарти талабларига мувофиқ дастлабки аудитни ўтказиш.

- Хўжалик ишчиларини GlobalGAP талаблари билан таништириш учун “Таништирув” ўқув семинарини ўтказиш. GlobalGAPни жорий қилиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш.

- Стандарт талабларига мувофиқ зарур ҳужжатлар тизимини жорий қилиш.

- Етиштириш жараёнида юз бериши мумкин бўлган хавфни ҳамда уларни юзага келишини олдини олувчи (гигиеник, экологик, кимёвий, биологик, физикавий ва х.к) усулларни аниқлаш ва баҳолаш.

- Етиштиришнинг барча жабҳаларидаги зарур агротехник тадбирлар босқичларини рўйхатга олиш тизимларини жорий қилиш.

- Фермер хўжалик ҳудудида GlobalGAP талабларига мувофиқ сифат тизимини жорий қилиш ишларини ташкиллаштиришда маслаҳат хизматларини кўрсатиш.

- GlobalGAP талабларига мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, экологик хавфсизлик ва ишлаб чиқаришда санитария меъёр қоидаларини жорий қилишда маслаҳатлар бериш.

- Идентификациялаштириш ва кузатиш тизимини ишлаб чиқиш, махсулотга берилган баҳо бўйича процедураларни жорий қилиш.

- GlobalGAP талабларига мувофиқ ички аудит ўтказиш.

- GlobalGAP бўйича Сертификатлаштириш идорасига ариза бериш, мустақил сертификатлаштириш идораси томонидан сертификатлаштириш аудити ўтказиш даврида маслаҳат кўрсатиш.

Барча босқичларда ходимлар ўқитилади.

Халқаро амалиёт тажрибаси GlobalGAP сертификатлаштириш тизимига ўтишни афзалликларини тасдиқлаб, озиқ-овқат хавфсизлигининг ишончли даражада ошгани ҳамда махсулот сохталаштирилиши хавфи пасайишини кўрсатди, шунингдек мувофиқликни тасдиқлаш жараёнига йўналтирилган сарф харажатларнинг камайиши таъминланади.

Ушбу тизим халқаро ҳамжамиятда сифатни таъминловчи ягона умумлашган тизимни киритишга, махсулотнинг бутун ҳаракатланиш йўлини қамраб олишни таъминлашга, кўп марта такрорланувчи сифат аудитини олдини олишга, сохталаштириш имкониятини йўқ қилишга ва истеъмолчиларнинг ўсиб борувчи талабларини қондириш даражасини оширишга ёрдам беради.

Демак, республикамиз қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган махсулотларининг халқаро бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаши учун қишлоқ хўжалик махсулоти етиштирувчиларнинг GlobalGAP тизими бўйича сертификатлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Республикамизда етиштирилаётган мева-сабзавот махсулотларидан самарали фойдаланиш, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт даражасини янада ошириш учун халқаро талабларга мос ҳолда фаолиятни ташкиллаштириш ҳозирги давр талабидир.

Шу нуқтаи назардан қуйидаги ҳулосаларни келтириш мумкин:

1. Қишлоқ хўжалиги махсулотларини сақлашга тайёрлаш жараёнида ҳар битта тадбирни тўғри амалга оширилишини назоратга олишлари шарт;

2. Тайёрланаётган махсулотларнинг сифатини халқаро стандартлар талабларига мослаштириб, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда етиштирилаётган мева-сабзавотларнинг исроф бўлишини олдини олиш хорижга самарали экспорт салоҳияти жуда юқори эканлигига яна бир марта амин бўлиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. П.Р.Исмагуллаев, Ш.А.Тўраев, О.Адилов, Б.Х.Исмоилов “Ўзбекистон қишлоқ хўжалик махсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашда GlobalG.A.P стандартини жорий этишнинг аҳамияти” “STANDART” илмий-техника журнали 2011 й., 1-сон, 6-8 б.

2. Ms. Miriam SatinFood Processing Enterprises through HACCP (Hazard Analysis and Critical Control Point) , Maryland, U.S.A. 2005.